

**М.М.Алиқулова, Н.Х.Ҳакимов, Б.Н.Қурбоновларнинг “VIII-IX  
синфлар таълим жараёнини ижтимоий педагогик лойиҳалаштириш  
методикаси” мавзусидаги илмий услубий қўлланмасига  
ТАҚРИЗ**

Ушбу услубий қўлланма ҳозирги даврдаги умумтаълим мактабларининг юқори синфларида ижтимоий фанларни ўқитиш методикасини лойиҳалаштиришнинг долзарб илмий масаласи таҳлилига бағишланган. Услубий қўлланмада тадқиқ қилинган масалалар VIII-IX синфлар таълим жараёнини ижтимоий педагогик лойиҳалаштиришнинг назарий асослари, мақсад ва вазифалари чуқур тадқиқ қилинганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Муаллифлар ушбу илмий методик муаммонинг амалий жиҳатларига алоҳида эътибор берган ва уни мамлакатимизда амалга оширилган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг умумтаълим мактаблари фаолиятига жорий қилиниши билан боғлиқ ҳолда ўрганганлар.

Услубий қўлланмадаги масалалар юқори синфларда ўқитиладиган “Ўзбекистон тарихи”, “Иқтисодий билим асослари”, “Миллий ғоя ва маънавият асослари” каби ижтимоий фанлар мисолида нашрга тайёрланганлиги, унинг долзарблиги, амалий жиҳатлари чуқур ўрганилганидан далолат беради.

Қўлланма муаллифлари таълим жараёнини ижтимоий педагогик лойиҳалаштириш методикасининг назарий методологик асосларини, мактаб таълимининг модернизациялашуви ва VIII-IX синфларда таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ижтимоий педагогик масалаларнинг ўрни билан узвийлигини мустақил таҳлил қилганлар. Шунингдек, юқори синфларда таълим-тарбиянинг самарадорлигини ошириш асослари ва VIII-IX синф ўқувчиларининг таълим-тарбиясида инновацион ўзгаришлар ва унинг ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқлиги, ўқитиладиган ижтимоий фанлар мазмунини ижтимоий педагогик нуктаи назардан такомиллаштириш зарурияти ҳақида мустақил илмий мушоҳада юритганлар.